

**БМТНИНГ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ  
КОНВЕНЦИЯ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН  
ИСЛОҲОТЛАР**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси Саф қисми офицери,  
лейтенант, Мухамеджанова Нодира.*

***Аннотация:** Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб, уни хал этиши билан боғлиқ масалалар нафақат Ўзбекистоннинг, балки жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат эътиборидадир. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини миллий қонунчилигимизга мослаштирилганидан сўнг юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг асл мақсади тўғрисида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, бола ҳуқуқ ва эркинликлари, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, ислохотлар, миллий қонунчилик, ратификация.*

Болалик инсон ҳайотининг энг муҳим даврларидан биридир. Ҳар бир фарзанднинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида унга берилган таълим, тарбия, атроф-муҳит, жамият ва оила роли муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва таъминлаш ривожланган давлатлар сиёсатининг алоҳида йўналиши ва тармоғини ташкил этмоқда. Бу борада жаҳон ҳамжамияти ҳам қол қовуштириб ўтиргани йўқ, бир қанча халқаро ташкилотлар томонидан бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида дунёнинг барча аъзо давлатлари учун риоя этилиши мажбурий бўлган халқаро аҳамиятга эга декларация, конвенция ва шунга ўхшаш бир қатор

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга жорий этилганлиги қувонарли ҳолдир.

Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро даражадаги асосий ҳужжат, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” ги конвенцияси бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат 1989 йил 20 ноябрь куни Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган бўлиб, унинг

54 та моддасида болага нисбатан инсон ҳуқуқлари тоифаси, ирки, жинси, тили, дини, туғилган жойи, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкчилиги ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳар бир бола эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда ушбу Конвенцияга аъзо ҳисобланган 196та давлатдан биридир. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчилигимизга мослаштирди ва айнан БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” ги конвенциясини 1992 йил 9 декабрда ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилганидан сўнг юртимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ҳамда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

*Биринчидан*, давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган ва ундаги ижтимоий муҳитни акс эттирадиган энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатда яъни, Конституцияда вояга етмаган шахсларнинг кўплаб ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланди. Хусусан, Конституциянинг *44 моддасида* болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши, *50 моддасида* давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич

профессионал таълим олишни кафолатлаши, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидалиги ҳамда таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши, 77 моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги, 78 моддасида фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши белгиланган.

*Иккинчидан*, 2008 йил 7 январь куни ЎРҚ-139-сон “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Унда бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари, болаларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари акс эттирилган.

*Учинчидан*, 2024 йил 29 февраль куни ЎРҚ-917 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили (болалар омбудсмани) тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар Омбудсмани) мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисида қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириши, ўз фаолияти билан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шаклларини

ва воситаларини тўлдириши, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, фуқароларнинг бола ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиши белгиланган.

*Тўртинчидан*, 2019 йил 22 апрель куни ПҚ-4296-сон “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди ва унда мамлакатимизда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги [конвенцияси](#) талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги, шу билан бирга, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб борганлиги байон этилган.

*Бешинчидан*, Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 9 август куни ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони қабул қилинди.

*Олтинчидан*, 2022 йил 6 июль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар масалалари бўйича

миллий комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги” 363-сонли қарорига асосан, вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) миллий комиссиялари этиб қайта ташкил этилган, болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг асосий вазифалари белгиланган ва унинг таркиби тасдиқланган. Бундан ташқари, 2023 йил 10 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 596-сонли қарорига асосан, 2024 йил 1 апрельдан бошлаб кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун онлайн ариза бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг зарур ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикасида боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар ва кафолатлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизми ишлаб чиқилиб, давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг изчил олиб бораётган фаолиятида намоён бўлмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://lex.uz/uz/docs/-2595913> “Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция” 20.11.1989
2. <https://lex.uz/docs/6445147> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 30.05.2023

3. <https://lex.uz/docs/1297315> ЎРҚ-139-сон “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида” 7.01.2008
4. <https://lex.uz/uz/docs/-6823379> ЎРҚ-917 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили (болалар омбудсмани) тўғрисида” 29.02.2024
5. <https://lex.uz/docs/4302023> ПҚ-4296-сон “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 22.04.2019
6. <https://lex.uz/docs/5570490> ПФ-6275-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 9.08.2021
7. <https://lex.uz/docs/6663873> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 596-сонли қарори 10.11.2023
8. <https://lex.uz/ru/docs/-6098369> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги” 363-сонли қарори 6.07.2022